

Жаҳонлик Сўз




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 НОЯБРЬ, СЕШАНБА № 213 (711)
Сотувда эркин нархда. 1993 йил.

Янги УФҚЛАР ОЧГАН САФАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Францияга давлат мақомидаги ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди



Гузал, мислсиз Париж юксак мартабали меҳмонларни кўплаб кутиб олган, бундай тантаналарга кўникиб кетган. Шундай бўлсада, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи барчада алоҳида қизиқиш уйғотди. Чунки, Марказий Осиё минта-

қасидаги бу йилги мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳужуми, Французлар учун бу — ишончли ҳамкорликнинг муҳим гаровидир.


Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран Ислон Каримовнинг Парижга ташрифининг муҳимлиги ҳақида гапирар экан, бу ташрифи шундай таърифлади: «Хозирги сиё-

сий вазиятда Марказий Осиёда стабил ўрнини эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон ШАРҚ билан ГАРБ ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих, теран анъаналарга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган аллоمالарни етказиб берган Ўзе-

бекистон доимо французларнинг диққатини тортган бўлган. Бу ташрифдан кейин шунини ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди. Янги Европа учун Париж хартиясининг ҳамда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши давлатларимиз ва халқларимиз олдига янги истиқболлар очди. Фран-

цузларнинг феъли шундайки, улар муҳим бир қарорга келишдан олдин вазиятни узоқ ва батафсил ўрганади, ҳамма нарсани тарозга солиб кўради. Бир қарорга келгандан кейин эса, бу қарордан асло қайтмайди». Президент Ислон Каримовнинг француз ишбилармонлари миллий кенгашида бўлиб ўтган учрашувида ҳам бу фикр тасдиқланди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Франция Президенти номидан ўтказилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқи

Президент жаноблари! Хойимлар ва жаноблар! Аввало бизни, Ўзбекистон делегацияси аъзоларини меҳнат ва аjoyиб Франция дийрида кўчириб олганингиз учун чин қалбдан миннатдорлик билдирайман. Президент жаноблари, ёш мустақил Ўзбекистон ва унинг халқи шунингиз айтган яхши гапларингиз ва истакларингиз учун Сизга миннатдорлик билдирайман. Сизнинг тарих ва маданият соҳасидаги чинакам чуқур билимингиз, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунига бу ердаги ҳурмат-эътибор бизни ҳайратга солди, Президент жаноблари, Сизга жаҳон маърифати ва ҳозирги дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқингизга миннатдорлик туйғуларини уйғотди. Францияда бир неча асрлардан буён бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аجدодларимиз меъроси хусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Француз шарҳунослари бу соҳада кашшофлик қилдилар ва аjoyиб натижаларга эриш-

дилар. Буюк ипак йўли Франция ва Испаниядан олинс Хиндистон ва Хитойгача қўзилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йўлда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий бўғин, Шарқ билан ГАРБ, ислом билан расмийлик бир-бири билан туташган жой эди, Шарқ ва ГАРБ маданиятлари бир-бири билан боғланган жой эди.

Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV ва XV асрлардаёқ мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиб зарур деб ҳисоблаган Франция кироли Карл Vнинг ёзишмаларини эслатишимиз ўзи кифойдир. Ўзбекистон Франция халқига зўр эҳтиром ва ҳурмат билан қарайди. Ўзбеклар ва французларни эзгулик, меҳмондўстлик, қувноқлик, тинчлик ва фаровонликка интилиш каби муштарак миллий хусусиятлар

яқинлаштирди. Ёзу Вольтер ва Руссонинг меъросини, француз адиблари Балзак, Золя асарларини ўзбек тилида ўқиб, таҳсин айтганимиз. Француз рассомлари Ренуар, Гоген чизган суратларни кўриб завқланганимиз. Жорж Бизе, Морис Равель, Клод Дебюссининг мислсиз мусиқаси, Эдит Пиаф, Шарль Азнавурнинг аjoyиб овози кўплаб ўзбекистонликларни мафтун қилади. Халқимиз катта эҳтиром билан қарайдиган француз ёзувчиси Виктор Гюгоннинг «Бутун дунёда тинчлик голи» — барча миллатлар мулкидир. У энг юксак бахт-саодат сифатида тинчликни талаб қилади», деган сўзлари кўнгилмизга яқин. Буюк инсонпарвар ёзувчининг бу сўзлари ўзбек халқининг маталига ҳамоҳанг: «Элга эл қўшилса, фаронглик бўлади, элдан эл ажралса — муҳтожлик бўлади», дейди халқимиз. Бизнинг назаримизда Франция — инсоният руҳи улуғворлиги ва ақл эъси рами, жаҳонга кўплаб атоқли арбоблар етказиб берган мамлакат.

Ўзбекистон Республикаси бой тарихий ўтмишга эга бўлган ёш давлатдир. Сизнинг Улкангиз Осие йўллари туташидиган марказда жойлашган бўлиб, биргаликда яшаган сўзлар, бахтиярликлар ва хоразмликлар билан сўғорини санъатини баривақт эгаллаб, ўтқоқ маърифатининг тез гуллаб-яшнашига эришган Самарқанд, Ипак йўли тўғрисида ҳамма эшитган. Ўрта аср бошлангич даврида бу шаҳар муҳим ўрин тутган. Ипак йўли ГАРБий Европа ва Осиенинг савдо ва маданий алоқаларини йўли қўйишга инқоб берди. Бухоро ва Самарқанд теграсида Сўғдийна мамлакатини қўшни империяларга иқтисодий жуқиниш ва диний бардошлилик намунасини кўрсатди. Эрамининг 680-йилда номи бизгача етиб келмаган буюк рассом Самарқанд хони саройида Марказий Осиедаги бошқа хонликлардан, шунингдек, Юқори Осиедаги турк империясидан, Хитой, Корея ва бошқа мамлакатлардан қимматбаҳо совғалар билан келган элчиларни тасвирлаган. Улар пойтахтга боришмоқда эди. Кўпчиликка маълум бўлмаган бу шох асар ҳозир ўзи топилган жойда, Африкада намоён қилинмоқда. Уни томоша қилган ҳар бир киши тинчлик ва биродарлик элчиларини кўргандек бўлади. Сизнинг мамлакатингиз аял шў халқларнинг меросхўридир. Президент жаноблари, бир неча ойдан сўнг аjoyиб мамлакатингизга ташриф буюришга мени ташкиф қилган эканисиз, мен ушбу саяжат асарини ҳамда ислом маърифатига кўплаб буюк шў дийрини ўз кўзи билан кўришга муваффақ бўлган. Мазкур алломалардан икки нафари ўз ватанининг

шон-шўҳратини Париж дорилфуунингача етказган. Улардан бири ибн Сино бўлиб, биз уни Авиненда деб атаيمиз. Шў эот туфайли ГАРБ Аристотел асарларини ўқиниши ўрганди. Урганда тугнлиб ўсан ал Беруний бизга Алиборон деган ном билан таниш. У буюк тарихчи ва қомусчи олимлардан бири эди. Математиклар ватани бўлган Франция алгоритми кашф этган ал Хоразмийни ҳам билади. Ордан уч аср ўтгач, Теурунинг невараси Улуғбек Самарқандни фалақийёт пойтахтига айлантирди. У ерда санъатнинг ҳамма турлари гуллаб-яшнади. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга шон-шўҳрат келтирган меъморий ёдгорликлар шундан далолатдир. Сайёҳларнинг ҳикоялари мамлакатингиз адабиёти, тожирлари, ҳунармандлари шон-шўҳратини узоқ ўлкаларга етказди. Икки минг йилдан зиёд тарих турли халқларнинг тинч-тоту ялашига олиб келди. Улар умумий фаровонлик йўлида шўқ

(Давоми 2-бетда).

Навойи вилояти меҳнаткашларига

Муҳтарам дўстлар! Эришган катта меҳнат галабагиз шуборақ бўлсин!

Табиат инжиқликларини мардонавор енгиб, бебаҳо бойликлар мақони бўлган Навоий замида 126 минг тонналик улкан пахта хирмонини буёқ этганингиз саодатли кунларингизга сизлар инъом этган муносиб совғадир. Яратган бу бойлигингиз она ватанимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, дастурхонимиз файзу баракасини оширишга ва иқтисодимизнинг юксалишига хизмат қилади.

Ишончли қовилки, навойлик меҳнаткашлар даладаги ҳосилнинг сўнгги миқолигача йиғиштириб оладилар, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, 1993 йилни самарали якунлайдилар. Бу борада сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омадлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислон КАРИМОВ.



Галаба бизники, сизники, ҳаммамизники

Иқлоат, зафер марраси эгалланди. Навоий вилояти пахтакорлари республикада тўртинчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Мустақил Ватанимиз «оқ олтин» хирмонига навойликлар 125 минг тонналик ҳисса қўшиб, 31 октябрь кун галаба маррасига етиб келдилар. Ҳар гектардан 27,1 центнердан ҳосил олинди.

Галаба йўллари осон эмас. Шўир айтмоқчи, галабанинг ўлардан бири ибн Сино бўлиб, биз уни Авиненда деб атаимиз. Шў эот туфайли ГАРБ Аристотел асарларини ўқиниши ўрганди. Урганда тугнлиб ўсан ал Беруний бизга Алиборон деган ном билан таниш. У буюк тарихчи ва қомусчи олимлардан бири эди. Математиклар ватани бўлган Франция алгоритми кашф этган ал Хоразмийни ҳам билади. Ордан уч аср ўтгач, Теурунинг невараси Улуғбек Самарқандни фалақийёт пойтахтига айлантирди. У ерда санъатнинг ҳамма турлари гуллаб-яшнади. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга шон-шўҳрат келтирган меъморий ёдгорликлар шундан далолатдир. Сайёҳларнинг ҳикоялари мамлакатингиз адабиёти, тожирлари, ҳунармандлари шон-шўҳратини узоқ ўлкаларга етказди. Икки минг йилдан зиёд тарих турли халқларнинг тинч-тоту ялашига олиб келди. Улар умумий фаровонлик йўлида шўқ



(Давоми 2-бетда).

Я Н Г И У Ф Ў Л Д Л А Р



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Франция Президенти номидан ўтказилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқи

(Давоми. Бош 1-бетда).

ган буюк мамлакатдир. Франция фақат ноёб маданият ва нафис санъат мамлакати, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси, инсонпарварлик билан йўрилган адабиёт ва шеърли мамлакатигина эмас. Бизнинг наздимизда Франция жаҳонга илк бор эркинлик, тенглик ва биродарлик сингари олий мақсадларни инъом этган замонавий демократия ватани ҳамдир.

Буюк тарих ва ҳозирги замоннинг узвий боғлиқлиги, битмас-туганмас ақл-зиё ва маънавий салоҳият ҳозирги Францияни жаҳондаги қудратли санъат ҳамда илм-фанга эга бўлган йарин ва нуфузли давлатлардан бирига, истиқболли порлоқ мамлакатга айлатди.

Франция Умумеропа ҳолининг барпо этишда фаол қатнашмоқда. Бу ҳақда қондалари ва хусусиятлари шу ерда пайдо бўлган ва Париж хартиясида муҳасамалашган чукчур рамзий маънога эга, Эркинлик, демократия, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркин ҳоли ўзбекистон манфаатларига, бизнинг тушунчамида жаҳонда иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, маданий ва ахборот макони яхлитлигига тўла-тўқис ҳамроҳдир. Бугун мен Париж хартиясига имзо чекиб, Ўзбекистоннинг шу хартия руҳи ва қондаларига содиқлигини тасдиқладим.

Президент жаноблари! Иқтисодий ва сиёсий соҳада Франция билан фаол ҳамкорлик қилиш истиқомий тушуниб, қўллаб-қувватлаётганингиздан жуда хурсандимиз. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бахт-саодати, гуллаб-яшнаши учун, тинчлик ва ялпи тараққиёт йўлида муваффақиятли ҳамкорлик ва меҳнат қила оламиз, деган ишончга қўшилиман.

Ўзбекистон икки йил муқаддам мустақиллигини тиклади. Биз инсонпарварлик ва адолат қондаларига асосланган оқиб демократик жамият қурмоқчимиз, бошқа — тараққиётнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлардаги барча бойдали жиҳатларни ўзида муҳасамалаштирган эркин бозор иқтисодиётини барпо этмоқчимиз. Қар бир халқ тараққиёт ва янгиликнинг ўз йўлини танаб олади. Биз ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва аълоқларини, тарихи ва руҳиятини ҳисобга олмоқ, ўз йўлимизни танабладим.

Ватани тиклаш 22 миллион кишидан иборат кўп миллилатли Ўзбекистон халқи ҳаётининг мазмунига айланган. Аммо бизда янги дунёга осонликча ўтиш хусусида ҳеч нима ҳомхалфта берилмади. Бунинг устига, ана шу жиҳатдан қараганда, Франциянинг маънавий ва сиёсий мадади катта аҳамиятга эришди.

Бизнингча, Франция Республикаси билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун Европада катта имкониятлар очиб беришга қўйди, шунингдек бу ҳамкорлик Франция учун Марказий Осиё минтақасида катта имкониятлар яратди. Биргаликдаги ҳаракатларимизнинг умумий мақсади маълум, у ҳам бўлса, Европада ва Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, эркин бозор савдо-со-

тимиз тобора мустаҳкамланмоқда. Президент жаноблари, билишимча, Корнелинг «Сид» фожеасидаги «нимадир этилиши учун вақт керак», деган доно фикр сизга жуда ёқди. Уртамазда тенг ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш вақти келганига ишончликомил. Эндиликда ҳамдўстлигимизнинг улкан йўналишларини амалга ошириш учун сиёсий ирода ва фаол саяё-ҳаракат зарур.

Президент жаноблари! Сиз даракларини яхши билишнгиздан хабарим бор. Бу Сизнинг буюк афзаллигингиздир, бинобарин, Сизга жуда ҳавасман келди. Халқларимиз дўстлик ниҳолларини ўтказган эдилар, биз имзолаган икки томонлама битимлар шу ниҳолларнинг шоҳларидир. Сиз каби биз ҳам ана шу ниҳоллар ушиб, дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам ва сермева даракларига айланганини истаймиз.

Имкониятдан фойдаланганда, Франциянинг буюк фарзандини туғилган кунингиз билан табриқлайман. Сизга чин кўнгилдан бахт-саодат, сўхат-саломатлик, Франция халқи бахт-саодати йўлида узоқ умр кўришингизни тилайман.

Президент жаноблари, Сизни ўзингиз учун энг қўлай пайтда Ўзбекистонга боришга яна бир чин кўнгилдан тақдир қиламан. Ўзбекистон халқи Сизнинг таъбирингизни сабрсизлик билан кутади. Ишонтириб айтаманки, Сиз ҳаммаимиз учун энг азиз меҳмон бўласиз.

Наҳаё сўзи айтмоқчиман: Президент жаноблари учун! Шу ерда ҳозир бўлган Президент сўхат-саломатлиги ва осийшталлиги учун!

Ўзбекистон-Франция муносабатларининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун! Гўзал Франция учун!

Франция Президенти Миттераннинг расмий қабул маросимида сўзлаган нутқи

(Давоми. Бош 1-бетда).

да элчиҳонамиз очилган пайтдан буён ораимизда тўппа-тўғри муносабатлар ўрнатилган. Мен келгусида Парижда Ўзбекистон ваколатхонаси ҳам очилади, деб умид қиламан. Президент жаноблари, Франция ҳам Сизнинг мамлакатингиз — табиий бойлиқларининг мўлдиллиги ва кўп жиҳатдан одамларнинг фазилатлари тўғрисида катта имкониятларга эга бўлган мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни истайди.

Илгари француз тилини ўқитиш доирасидаги маданият ва педагогик алоқалар билан чекланиб қолган икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик бошида соҳаларга ҳам кенг тарқалмоқда. Бу ҳамкорлик иқтисодий ва таълим беришни, Тошкент иқтисодий дорилфунунида ва шаҳан Сиз зўр қизиқиш билан қарайдиган дипломатия дорилфунунида иқтисодий раҳбарларни таъбириш соҳасини ҳам ўз ичига олмақда. Ички ишлар вазириликларимиз банфуршликка қарши курашда, шунингдек, Франция илмий тадқиқотлар миллий маркази билан Самарқанддаги археология институтини етти йилдан буён бирга ишламоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси астрономия институтини билан Ницца дорилфунуни ўртасидаги алоқалар кўшма фаолиятининг яна бир мисолидир. Биз ҳозиргина имзолаган маданият ва тех-

Президент жаноблари, Сизга айтиб қўйликки, биз ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Сармояларни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши иқтисодий ва молия соҳасидаги муносабатларимизга қўлай шароит яратди. Бу эса республикангиз ишбилармон кишиларнинг ташаббуси учун имкониятларни тобора кенгайтириб, бозор иқтисодиёти томон ҳаракат қилишга кўмаклашади. Президент жаноблари, Сиз бу соҳада ўз танлаган йўлингиздан ҳаракат қилиш истиқомий турли вазиятларда айтгансиз.

Бу йўлни инкала мамлакатимиз ҳам азё бўлган Ириқ молжавий ва халқаро муассасалар диққат-эътибор билан ўрганишмоқда. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигимиз зарур даражага тезроқ чиқиб олиши учун Сизнинг катъий маданийгизга умид қиламан.

Президент жаноблари, хоним, хонимлар ва жаноблар, қалаҳларини кўлга олишнинг сўрайман. Ўзбек халқига фаровонлик ва муваффақият тилайман, шу халқни тез орада қўришга муваффақ бўлам, деб умид қиламан. Шунингдек мен, Президент жаноблари, хоним, Сизларга ва бутун оиланингизга бахт-саодат, дўстлигиниз ва ҳамкорлигиниз мустаҳкамлашини тилайман.

Яшасин, Ўзбекистон! Яшасин, Франция!



Анжуман ўз ишини якунлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан сўғити пайтларда мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тинлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Утган шамба кун Тошкентдаги «Туркистон саройида ўз ишини якунлаган «Абдуий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий» тақдиро илмий-амалий конференцияси ана шу эгзу ишнинг бир кўринишидир.

«Халқ сўзи» ташаббуси билан «Замон — Ўзбекистон» ва Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазирининг ўрнинбосари, конференция таъиниш кўмитаси раиси Муҳаммадjon Қорабоев очди. Анжуманда Марказий Осиё давлатларидан, Туркия ва Бошқирдистондан вакиллар ҳамда меҳмонлар иштирок этишди.

Республикамизнинг кўзга кўринган эътилобдоридан Назимиддин Комиллов, Нормон Гафуров, Озод Шарофиддинов, Садралдин Салим Бухорий, шoirлардан Халима Худойбердиева, Абдулла Орипов, Эркин Ўзидов, Мирза Кенжабек, шунингдек, туркиялик олимлар ва жамоат аربоблари — Ножми Тўсин, Суат Йилдир, Ҳасан Комил Йилмаз, Мустафо Эсон, Ирфон Гундулар Аҳмад Яссавий маънавий мероси ва туркий халқлар биллиги, қаролиги хусусида мароқли маърузалар қилишди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Алишаржаев иштирок этди.

(Ушбу анжуман ҳақидаги тўлиқ ҳисобот ва мақолаларни газетамизнинг кейинги сонига ўқийсиз).

Жаҳон 24 соат ичида

Козогистон Республикаси Мустақил Ҳамдўстлик Мамакатлари ҳамда Грузия ва Молдова номидан Бирташган Миллатлар

Ташкилотини собиқ Советлар Иттифоқи ҳудудида гўёҳанд моддалардан ҳимоя қилиш тизимини ташкил этилишини қўллаб-қувватлашга қақирди.

АБХАЗИЯ Вазирлар Кенгаши аёҳаз халқига қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаган қочқонларнинг республикага қайтишига қўмақлашувчи комиссия тузиш ҳақида қаар қабул қилди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

ЯПОНИЯ

да 1984 йили қабул қилинган таълим ҳақидаги қонунда ўрта мактаблардаги умумий таълимнинг мажбурийлигига қафолат берилган эди. Ҳақиқатда эса у энди кучга кирмоқда дейиш мумкин. 28 октябрь кунин эълол қилинган давлат дастурида 1997 йилдан бошлаб мактабларнинг ўрта синф ўқувчилари бепул таълим олишни қаид этилган.

ХИТОН Халқ Республикаси фазага учиргани йўлдошининг

роғ, ҳарбий техника ва уларни тайёрлашда иштирокчилар материал ҳамда асбоб-ускуналарни экспорт қилиш устидан ўрнатилган Осиё ҳудудидаги қўшнилларга ёрдам беради. Япониянинг мажкур юмуш билан шуғулланганидан Ташқи савдо ва Саноат вазирлиги шу ҳақда хабар қилди.

Хитон Халқ Республикаси фазага учиргани йўлдошининг

тоғнага эркин синиқ парчалари пайшанба кунин ерга тушиши мумкин. Америка Қўшма Штатлари космик қўмондонлиги шу ҳақда хабар тарқатди. 8 октябрь кунин учирилган космик аппарат билан алоқа 10 кундан кейин узилиб қолган эди. Фаза машинасининг парчалари Атлантиканинг жанубий қисмига — Африка ва Жанубий Америка оралиғига келиб тушиши кутлямоқда.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

ТОШКЕНТ. Вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг «Халқ депутатлари Сирдарё вилоти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар қақдағи масала муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими С. Сайдалиев ана шу масала хусусида маъруза қилди. У қўлида «Халқ» Президентимизнинг Сирдарёда сўзлаган нутқи нима сабабдан шунчалик кенг ўрганиб қилинмоқда?» деган саволни қўйди. Нотиқ ўз саволига ўзи жавоб берад экан «Юртимизда айтаган фикрлар фақатгина Сирдарё вилотидагина тегишли бўлиб қолмай, балки, ҳаммамизга, бутун мамлакатимизга даҳлат эканлигини, ундан ҳар бир раёубу ҳар бир фуқаро халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишларимизга таъкидий кўз билан қараб, белгиланган режаларни тўлиқ бажариш, ҳарто ва камчилиқларни бартараф этиш борасида саёболар чиқаришни кераклигини таъкидлади.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар юртимизнинг ИМТ Бор Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи тарих олдига буюк бурлиш нуқтаси бўлганлигини, шу кунин Ўзбекистон давлатининг имкониятлари, иқтисоди, умуман бутун бормли билан жаҳон аёбор демаси олдида тўлақонли йамонли бўлганлигини мамунининг билан таъкидлади.

Ҳўш, Ўзбекистон жаҳонга юз тутган экан бунга Тошкент вилоти меҳнатқиллари қандай ҳисса қўшапти? Ёзу борада оммалаштирсан, кўз-кўз қилса арзигулли тақриблар борми? Бор албатта Йиғилишининг ҳар бир

натнашсини бу ҳақда соатлаб таъбирини мумкин эди. Бироқ мажлис руҳи ўз ишларида, фаолиятини танқидий ёндашув ва чинакам ҳулосалар чиқариш йўлидан бори. Сўнгги беш ойда саноат, энергетика ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда бирмунча олға силжишлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Аммо вилоятдаги 251 корхонанинг 105 тарафда турли саёбаларга кўра ўсиш суръати таъминланмаганлиги, ўтган тўққиз ойда 68 турдаги асосий саноат маҳсулотидан 37 тасининг ишлаб чиқариш режаси бажарилмаганлиги нормал ҳол эмас деб ҳисобланди.

Йиғилиш иштирокчилари қўшма корхоналарнинг иши ҳам кўнгилдангидай эмаслигини эътироф этишлар. Вилоятда 52 та қўшма корхона рўйхатга олинган қолда улардан бор йўғи 18 таси фаолият кўрсатаётганини таъкид қилинди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларини таъкид этиш, аҳолининг газ, сув ва иш билан таъминлаш борасидаги муаммолар чуқур таҳлил этилди. Ажини мана шу масалалар республика раҳбарияти ола суратган ислохотларнинг бош йўналиши эканлиги таъкидланди.

Фаоллар вилоят қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳволини жиддий муҳокама қилдилар. Айниқса, Оққўрғон туманида пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда йўл қўйилмаган хато ва камчилиқлар рўй-рост оиниб таш-

ланди. Бу ерда 2000 гектар ердаги пахтазор ҳамон ўз теримчиларини кўтиб турганлиги ҳақида ташвиш билан таъбирланди.

Вилоят фаоллари Президентимизнинг «Бу азиз Ватан барчамизнинг. Унинг бахт-саодати, йруғ истиқболли, фаровон келажиги учун курашиб яшаш бахти» деган сўзлари ҳар бир меҳнатқил қалбда аксадо беришига катъий ишонч билан тарқалишди.

Абдуваби БОЙҚУЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

АНДИЖОНДА Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган вилоят фаолларининг Йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими Қожиқон Обидов ана шу масала юзасидан маъруза қилди. Нотиқ Президентимиз нутқидан баён этилган камчилик билан ишқўшлар Андижонда ҳам машқулдиги, уларни таъминоти билан йўқотиш учун кенг жамоатчилик олдида турган вазифаларга тўхталди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳам бу борада қўриқилган чора-тадбирлар хусусида фикрлар билдиришди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Жиззах вилоти ҳокимида 9 ойлқ иш якунлари бунча маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча тармоқларда ислохотнинг бориши, уйшонарли,

менший ва савдо шохобчеларини хусусийлаштириш борасида амалга оширилётган ишлар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А. Тошкентов маъруза қилиб, вилоят фаолларини республика Президенти Ислам Каримов бошчилигида республика ҳукумати танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай қадам ташлашга, унинг Сирдарё вилоти кенгашида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни қатъий ишонч билан амалга ошириш лозимлигини таъкидлади.

У. ЖУРАЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Сирдарё вилоят ҳокимида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов республика Президенти Ислам Каримов мажкур вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган камчиликларни бартараф этиш, хусусан, қадрлар билан ишлаш сисвасини тақомиллаштириш юзасидан амалга оширилётган ишлар ҳақида ахборот берди. Йиғилишда таъкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокими муовинлари — С. Ғуломов, Б. Пайзиев арзиларига кўра вазифалардан озод қилинди. С. Аҳмадуллоев, Ф. Ризқулов ва Ч. Подворковлар вилоят ҳокими муовинлари этиб таъинланди.

Йиғилишда пахта йиғим-теримида меҳвуд терим машиналари ва ички кучидан самарали фойдаланиш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Шунингдек, кузги ғалла экинни барвақт тугаллаш, бу таъмоқни кенг қўламада ривожлантириш борасида ҳам тадбирлар белгиланди.

ОЧГАН САФАР



(Давоми. Бош 1-бетда).

Ишбилармонлар кенгаши вице-президенти Филипп Жискар д'Эстен олий мартабада Франциянинг ишбилармон доиралари, Франциянинг алоқаларини кенгайтиришда ўта манфаатдор эканини таъкидлади. Бироқ, улар маблағ ўтказиш, йирик лойиҳаларга сармоя сарфлашдан олдин саннат ва ишлаш ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидан аҳолини муфассал ўрганишлари зарур. Шунинг учун ҳам бу учрашув ҳамкорлик истикболлари ва Франция ишбилармонлар доиралари номида яндаларнинг манфаатларига оид жуда кўп саволларга жавоб бериши лозим.

— Жаноб Президент, — деди Филипп Жискар д'Эстен, — кенгашимиз аъзоларини биринчи навбатда утча муҳим саволга берадиган жавобларингиз қизиқтиради. Бу саволлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг қандай устувор йўналишлари бор, қўйилган капитал маблағ қай даражада фойда беради, Франция ишбилармонларига қандай қаролатилган бера оламан? Мамлакатингиз молиявий сисбатининг асосий принциплари нималардан иборат. Россия билан муносабатларингиз қандай. Ўзбекистон рубль зонасида қандай? Ва сўнгги савол: Ўзбекистон Марказий Осиё бозорини яратиб ташаббускорлардан бири бўлиб чиққан эди. Хозир республиканинг иқтисодиётини қўйишлар билан муносабат қандай қўйиш шароитлари қандай бораётган?

Кўриб турибсизки, саволлар жўн эмас. Асосий фикрнинг берилиши учун мажозий тилда гапирадиган сисбатчилардан фарқли ўлароқ, ишбилармонлар мақсадни тўғри, очикдан-очик баён қи-

либ қўя қолишади. Чунки, барча ишни охири-оқибатда молия, сармоялардан келадиган фойда ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир соатга яқин давом этган нутқи қарсақлар билан бўлиб турди. Саволларга дўнда, аниқ жавоблар олинди.

— Ўзбекистон улкан меҳнат воситаларига эга, бош иқтисодий имкониятга ҳам эга, — деб таъкидлади Президент — Пахта, олтин, рангли ва нодир металллар — ёш, мустақил давлатимиз бойлигининг кичик қисми, холос. Сизларни қафолат масаласи қизиқтирайтими? Ишончингиз комил бўлсин, салмоқли қаролатларимиз бор. Биз Парижда сармояларни ўзаро раёбатлантириш ва ҳамия қилиш бўйича битимга имзо чекдик. Бу — давлат бош қафил вазифининг бажаради, деган гап. Ўзбекистон бозорга тадрижий равишда киришга асосланган ўз иқтисодий тараққиёт йўлини танлаган. Кейинги икки йил ичида биз Фарбинг бир неча етакчи банк ва компаниялари билан фаол равишда ҳамкорлик қила бошладик.

Швейцария банклари ва бошқа банкларга жойлаштирилган юксак сифатли ўзбекистонлик қила бошладик. Швейцария банклари ва бошқа банкларга жойлаштирилган юксак сифатли ўзбекистонлик қила бошладик. Швейцария банклари ва бошқа банкларга жойлаштирилган юксак сифатли ўзбекистонлик қила бошладик.

— «Креди коммерсиаль» банки ҳам қўшилганини мамнунийт билан қайд этмаман. Бу банк Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи қурилиши маблағ билан таъминлайди. Аммо, афуски, барча француз ишбилармонлари ўзаро фойдалани ҳамкорлик йўлига чиқишга шўшмайптилар. Ўзбекистон иқтисодини тезликни тобора ошириб бораётган поезда қиёласа бўлади. Бу поездининг охири вагонига ҳам

илинмай қолиш хавфи борлигини унутмаслик лозим.

Негиз тармоқли Ўзбекистон иқтисодининг асосий вазифинидан бири — хомашё йўналишидан чекиниш, рақобатбардошли тайёр маҳсулот чиқара оладиган корхоналар тармоғини кўпайтиришдан иборат. Шу ўринда бизга Франция тажрибасидан фойдаланиш қўл келиши мумкин.

Россия билан муносабатлар ҳақида. Ўзбекистон тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Тарихан шундай бўлганки, Россия бизнинг асосий ҳамкоримиз эди ва ҳозир ҳам шундай. Аммо бу ҳамкорликнинг бошқа йўларини қидирмайтмиз, деган гап эмас. Хозир Ўзбекистонни йирик денгиз портлари ва Хитой билан боғлайдиган Транссиё автомобиль ва темирйўл қурилиши масаласи ишлаб чиқилмоқда. Бу йўларнинг ёш мустақил давлат учун қай даражада аҳамиятга эга эканини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади.

Республикамизнинг рубль зонасида қилинидан ташвишда эканлигини қўйиш қўйиш турибди. Бу ўринда бизнинг позициямиз шундай: биз албатта ўз миллий валютамизга ўтамиз. Ўзбекистон бунга ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр. Бироқ, бу ишда ортинча шўшма-шўшаларни йўл қўйиб бўлмаслигини айрим қўшилганини тажрибадан кўрсатиб турибди. Хозир кўп нарсаси Россия раҳбарияти ва Марказий банкнинг позициясига боғлиқ. Биз улар томонидан бирон-бир зуравонлик бўлишига йўл қўймаймиз. Ўзбекистон билан қўшилганини тажрибадан кўрсатиб турибди. Хозир кўп нарсаси Россия раҳбарияти ва Марказий банкнинг позициясига боғлиқ. Биз улар томонидан бирон-бир зуравонлик бўлишига йўл қўймаймиз.

лиги исботини топмоқда. Бозор эндигина шакллана бошлапти. Аммо, минтақадаги бошқа республикаларга қараганда Қозоғистон билан ҳамкорлигимиз яхши тараққиёт этипти. Бунинг сабаби нимада? Бу саволнинг жавоби оддий: иккала республикада иқтисодиёт тараққиёти учун муҳим шарт бўлган осойишталик барқарор.

Кейин Ислом Каримов ишбилармонларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Бу савол-жавобларнинг айримларини келтираман.

— Жаноб Президент, Франция халқор ва банкни сизлар олтинингизни банкда қандай шартлар билан саклашингиз, уни қандай нархда сотишингиз қизиқтиради?

— Биз жаҳон бозоридан олтиннинг нархини тушириш ёки кўтариш йўлидан бормаймиз. Бошқа собик иттифокдош республикалардан фарқли ўлароқ, бизнинг қарз ваграминиз топ-тоза. Бу — биз ҳеч кимга собик СССРнинг қарзларини тўламаймиз, деган гап. Шу билан бирга, унинг хорижий банклардаги маблағига даъвогар ҳам эмасмиз.

— Жаҳон банки билан муносабатларингиз қай даражада? Афтидан, у сизларга ёрдам қўришга шўшмайётганга ўзингиз...

— Ўзингиз молиявий сисбатимиз шундай асосга қўрилганки, биз ҳеч кимдан қарз сўрамаймиз. Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларимизга келсак, у Ўзбекистонда замонавий банк тизимини вужудга келтириш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш учун бизга 21 миллион доллар ажратди. Хозир ишлаб чиқилаётган бундан ҳам йирик лойиҳалар бор. Улар — қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, Орол денгизини сақлаб қолиш, тўқимачилик sanoatini қайта жиҳозлашга оид лойиҳалардир.

— Франция корхоналари анчадан бери ўзбек пахтасини ишлашгади. Ўзбек пахтасининг юксак сифати бизга маъқул. Шунинг учун ҳам биз ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Бундан кейин ишнинг қай тарихи олиб бормоқчи-сизлар, пахта толасини қандай шартларда сотасизлар?

— Мустиқликнинг дастлабки палласида биз бартер — мавоза усулида ишлашга мажбур эдик. Энди мавозадан воз кечиб ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳамма қўллайдиган йўлига ўтдик. Ўзбекистон бу соҳада Франция билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Пахтани мавжуд жаҳон нархларида сотамиз.

— Бизнинг қанд давлати ўстириш ва уни қайта ишлаш бўйича технологиямиз бутун жаҳонга машҳур. Ўзбекистоннинг қанд-шакер сотиб олишда жиҳдий қийинчиликларга дуч келаятгани ҳам бизга маъқул. Бу соҳада биз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормизсизлар?

— Шубҳасиз! Биз қанд-шакернинг ҳаммасини сотиб оламиз. Аммо, пахта май-долларини қамайтириб, серҳосил ерларни қўпайтиришга бизнинг келажакда қандавларга ўстиришни ҳам йўлга қўйиш имконини беради. Биз бу масалани жонжон деб муҳокама қиламиз. Хозир ватандошларингиз биз билан ўзбекистонда қанд лавлигини қайта ишлайдиган иккита завод қурилиши ҳақида фаол музокаралар олиб бормаямиз.

— Жаноб Президент, Ўзбекистон жаҳондаги энг кучли транспорт самолётлари ишлаб чиқаради. Лекин, ишончли мотор муаммосига дуч келаятганингиз ҳам самарали ташрифлар йилида олтиданан кўп бўлмайди.

мамиз кучли моторлар, шунингдек бошқа жиҳозлар ишлаб чиқаришга иҳтисослашган. Бу борада ҳамкорлик қилиш имконияти борми?

— Нега бўлмасин? Биз Англия, Америка, Германия фирмаларидан яхши тақлифлар оламиз. Жиҳозларга келганда шунингдек, биз аэропортларини қайта жиҳозлашга 2,5 миллион доллар ажратдик. Бу ишлар амалга оширилганидан кейин аэропортларимиз жаҳон талабларига жавоб бера олади.

Кўпий кўрган француз сисбатчилари, оммавий ахборот воситалари ва хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий ташрифининг жуда тизиз ўтаётганидан ҳайрон эдилар. Бир кеча-кундузнинг ўн олти соати дақиқа-ю лаҳзаларга қанд қилинган эди. Гапимнинг исботи учун сафар дастуридан қисқа парча келтираман. «15.50 — Франция миллий мажлиси раиси Ф. Сеган билан учрашув бўлади. 16.55 — Лувроль жунаб кетилади». Эрта саҳардан то ярим тунгача шу тарихи ишланди.

Бордо шаҳрида Ислом Каримов «Мираж» қурувчи ва «Фалькон» фуқаро реактив самолётлари ишлаб чиқарадиган машҳур «Дассо» самолётсозлик компанияси раҳбарлари билан учрашганида мен Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан-Поль Везан билан суҳбатладим. Ўзбекистон Республикасининг Парижда ташрифи тизиз ва самарали бўлишида унинг хизмати катта эди. Бундай тизиз ва самарали ташрифлар йилида олтиданан кўп бўлмайди.

— Ислом Абдуганиевич Каримов Франциянинг мамлакат раҳбарларидан тортиб ишбилармонларига қадар турли доиралари номида яндаларда жуда яхши таассурот қолдирди. — деди элчи. — Назаримда, бу ўринда унинг очиклиги, ҳақ қандай мавзуда гаплаша олиши, қизиқувчанлиги ҳам муҳим омил бўлди. Французлар бу исоний фазилатларни жуда қадрлашади. Ўзингиз Президентларингизга қўрсатилган эхтиромнинг гувоҳи бўлиб турибсиз...

Париждан юборилган олдинги репортажларда хабар қилингандек, Франция пойтахтида ўта муҳим ҳужжатлар имзоланди. Маориф, иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар шундай ҳужжатлар сирасига кириди. Кейинги битимда гиёҳанд моддалар тарқалишига қарши биргалашиб кураш олиб бориш тўғрисида гап юрилади. Бу соҳада Франция катта тақрибага эга. Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёнинг жуғрофий жиҳатдан бу зарарли моддани тарқатиш учун қўлай ўринга жойлашгани ҳисобга олинмаган бўлса, бу соҳадаги ҳамкорлик яхши самара бериши шубҳасиз.

Бундан буён Ўзбекистон ва Франция Фанлар академиялари ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилди, та эди. Бундай тизиз ва самарали ташрифлар йилида олтиданан кўп бўлмайди.

— Ислом Каримов: «Биз билан ҳамкорлик қилган одам ютуқларни қўлга киритиши шубҳасиз. — деб ҳазиллашди. — Бизнинг мутахассислар банкларингизнинг янада нуфузли бўлиши ва янада бойиб кетишига қўмаклашади!»

...Францияга давлат мақомидаги ташрифнинг сўнгги куни эрталабдан делегациямиз Версалга борди. Бу шаҳарнинг чиройи, ҳашами, тўқин-сочинлигини сўз билан ифодалаш қийин. Инсониятнинг фаҳрига айланган бу муъжизаларни яратган француз халқининг даҳосига тасаннолар айтасиз. Делегациямиз саройни кўриб бўлиб, автомобиллар карвони сари йўл олаётганида, Людовик XIV ҳайкалчаси майдонда тўпланиб турган, дуненинг турли мамлакатларидан келган юздан ортиқ сайёҳ Каримовни кўриб қолди, уни олаётганида. Президентимиз ҳам уларга шундай жавоб қилди. Кейин «Орли» аэропортга йўл олдик. Миллий гардиячилар оркестри ижро этган иккала мамлакат гимнлари садоси остида тантанали кузатув маросими бўлди. Шу тўрт кулик сафар туфайли Франция бизга анча яқин бир дийрга айланиб қолди!

Тошкент — Париж — Тошкент.
Лев ЛЕВИН,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.
СҲАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг Франция Республикасига давлат ташрифидан лавқалар.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ тасвирлар.
(3-а).

ГАЛАБА БИЗНИКИ, СИЗИКИ, ҲАММАМИЗНИКИ

(Давоми. Бош 1-бетда).

Тумандаги «Зарбдор», «Уртачўл юлдузи» жамоа хўжаликчилари, «Сардоба» давлат хўжалиги, «Бўстон» ижара хўжалиги пахтакорлари йиллик режани 15 октябрдаёқ ундадиган эдилар. Ушбу туманда пахта уруғчилиги катта эътибор берилапти. Мутахассисларнинг фикрича сара уруғлик тайёрлаб қилса ҳосилдорлигини яна 10 центнерга ошириш мумкин бўлади. Уруғ сотиб олишга натадиган харажат анча камаяди.

Биз бу йил пахта йиғим-теримига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратдик. Бу ишда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугатилган ва уни уюш қондиқ билан ўтказиш тўғрисида»ги қарори катта дас турилмади бўлди. Ушбу қарордан келиб чиқиб, пахтакор туманларимизнинг барчасида кенгашлар ўтказилди, пахтачиларнинг аҳвол чучур таҳлил этиб берилади.



СҲАТЛАРДА: Набаҳор туманидаги Зарафшон жамоа хўжалигининг илгор теримчиси Сафаргўл Халилова.

мул аҳамияти ҳақида Президентимиз шундай деган эдилар: «Пахта — бизнинг асосий бойлигимиз экани ҳаммага маъқул. Бугун Марказий

дунёда тўртинчи ўринда туради. Бизнинг пахтамыз Европа, МДХ, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида бажонидил харид қилинади. Бу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари — пахтани тула қайта ишлашга эришишдан ва шу қимматли хом ашёни жаҳон бозорига манфаатли тарзда чиқариб сотишдан иборат». Юртбошимизнинг оқоридидаги сўзлари давлатимиз учун пахта пақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Пахта илгаридан халқимизнинг риқ-рўян, понасанбаси бўлиб келган. Хирмонимиз қанчалик юксак бўлса, дастурхонимиз шунчалик тўқин бўлади. Шунинг учун ҳам «оқ олтин» бугун бизнинг чинчам миллий ифтихоримизга айланган. Ҳосил йиғим-теримда эришаётган ютуқларимиз жумхуриятимизнинг ҳар бир фуқароси учун муҳим. Унинг ташвишлари ҳам барчамизнинг олқимизда. Меҳнатда бир-биримизга елкадошлигимиз халқимизга тоқсонини янада сарбаланд қилади.

Мардон ШАМСИЕВ,
Навой вилоят ҳокимининг ўринбосари.



СҲАТЛАРДА: Навой туманидаги Навой номли жамоа хўжалиги маҳанилари Нарзулло Рўзиев, у сафдошлари орасида пешқадимлини кўлдан барқайтди.
Ж. МИРЗАЕВ тасвирлар.

КАМАРБАСТАМИЗ

Навқирон вилоятимиз пахтакорлари тиклаган катта хирмонга Навой давлат педагогика институти талабалари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Бугун Ўзбекистонимизда «ҳамма пахтакор» деган шор ўзининг асл маънасида қайтмоқда. Бунинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий аҳамияти бор. Энди мустақил давлатимиз ўз келажакини ўзи яратди. Бундан буён ўз ҳақимизда ўзимиз қайгурамиз. Деҳқон йил бўйи қилган меҳнатининг самарасини ўзи кўради. Истиқлол унга ана шундай имтиёз берди. Деҳқон меҳнати туфайли дастурхонимиз тўқин, усти-

миз бут. Шу боис у етиштирган ҳосилни ёғин-сочини кунларга қолдирмай саранжомлаб олишга қўмаклашишни ўзимизнинг фуқаролик бурчимиз деб билдик. Бир ой мобайнида институтимиз талабалари Хатмоҳияга қайтмоқда. Бунинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий аҳамияти бор. Энди мустақил давлатимиз ўз келажакини ўзи яратди. Бундан буён ўз ҳақимизда ўзимиз қайгурамиз. Деҳқон йил бўйи қилган меҳнатининг самарасини ўзи кўради. Истиқлол унга ана шундай имтиёз берди. Деҳқон меҳнати туфайли дастурхонимиз тўқин, усти-

МЕҲНАТИМИЗ ЗОЕ КЕТМАЙДИ

Хўжалигимиз пахтакорлари тиббатнинг илқинчилиги ҳам, сул танқислиги ҳам, пахтачиларнинг бошқа оғирликлари ҳам мийда қилинган. Турнишга олданиб қолган. Хўжалигимизда августнинг ўрталаридаёқ теримга пухта тарилди қўрилди. Терим машиналари, пахта техникалари, пахта қабул пунктлари қисқа муддатларда йиғим-теримга шай қилинди. Дефляцияни енғатил ўтказилди. Хуллас, йиғим-терим зўр уюшқоқлик билан бошланди. Меҳнатлик ҳайдовчилар терган бир тонна пахтага 900—950 сўм, теримчиларга ҳар килограмм пахта учун 25 сўмдан ҳақ тўланади.

Натижаларимиз ёмон бўлмапти. Давлат хўжалигимизда 25 октябрда режани муддатидан олдин бажарди. Давлат қабул пунктларига 8000 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Бу ҳали сўнгги натижа эмас. Икмоқиятларимизни ҳисоблаб қилиб, яна 2000 тонна ҳосил териб тоширишга аҳд қилганмиз. Ўзимизга олган бу қўшимча мажбуриятни ҳам яқин кунларда ундадиган бўлади. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Тошпўлат БОЛТАЕВ,
Набаҳор районидagi «Гигант» давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон халқ депутати.

"ТАБАНИ КОРПОРЕЙШЕН"

фирмаси "Халқ сўзи" газетаси муштарийларига "Ричмонд" ва "Поло" сигаретларининг рекламасига бўлган эътиборлари учун миннатдорлик билдиради.

Биз Ўзбекистон бозорини дунё миқёсидаги стандартларга жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қиламиз. "Халқ сўзи" газетасининг ёрдами билан биз янги ишбилармон ҳамкорларга эга бўлдик. Бизнинг фирмамиз Ўзбекистонда фаол тадбиркорлик ривожланишига умид қилади ва бунинг учун бор имкониятларини ишга солади.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки,

"ТАБАНИ"дан

ташқарида сотиб олинган "Ричмонд" ва "Поло" маркали сигаретларнинг сифатига

фирма жавоб бермайди.

Алданиб қолишдан сақланинг.

Бизнинг савдо агентларимиз:

"Сррия", "Мунис", "Хесо" фирмалари.

Ташкилот куйидагиларни сотади:

1. Япониянинг "Тошиби" фирмасининг асинхронли уч фазали электр двигателлари. 11 кВт - 55 кВт минутига 750-3000 айланишгача.

2. Ўзимизда ишлаб чиқарилган уч фазали асинхронли электр двигателлар. 2,2 кВт - 5,5 кВт минутига 950-3000 айланишгача.

3. Ўзимизда ишлаб чиқарилган электр двигателлар. 0,8 кВт - 1,1 кВт минутига 1000 айланишгача.

4. Творог, турли сут маҳсулотлари, спирт тайёрлаш учун ачитиш ускуналари.

Телефон: 78-67-21. Факс: 45-75-67.

"ИРГИДРОМАШ"

Ўзбекистон тажриба ишлаб-чиқариш биранамасига куйидаги касбларга эга бўлган малакали ишчилар керак:

- 1. Токарлар ва фрезеровщиклар /2-4 даражали/.
2. Электрпайвандчилар /3-5 даражали/.
3. ЧПУ созловчилари ва операторлари.
4. Электр чилангарлари /3-4 даражали/.
5. Қуув ишлаб-чиқариш бўйича қуувчилар, қопловчилар, стерженщиклар, тўкувчилар.
6. Ўзбек тили таржимони.
Иш ҳақлари келишилган ҳолда берилади.
Талабгорлар оилавий ётоқхона билан таъминланади.
Ишга қатнаш транспорт билан таъминланади.

Куйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Водник даҳаси, Ҳусайн Бойқаро, 41. Ходимлар бўлими.

Транспортлар:

Марказий ҳибондан 12-автобус, Горький метро бекатидан 110, 175 - автобуслар, Янгибозор қишлоғидан 195-маршрут, Жанубий вокзалдан 99-автобус.

ТУЗАТИШ:

Ўзбекистон Республикаси ФТДКнинг 1993 йил 27 октябрдаги ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий ва методик ишланмалар таллови ўтказилиши ҳақидаги эълони матнининг 3-банди куйидагича ўқилсин: «Инвестиция фаолияти — уни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари».

Тиббиёт ходимлари, олимлар ва мутахассисларни ЭКО-МЕД-ПОЛЛ

Буюк Британия.

фирмасининг халқаро семинарига

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Семинар энг замонавий тиббиёт намоиши билан куйидаги йўналиш бўйича ўтказилади:

- 1. 1993 йил 2 ноябрь, соат 14.00да - Лаборатория диагностикаси
2. 1993 йил 3 ноябрь, соат 14.00да - Эндоскопия
3. 1993 йил 4 ноябрь, соат 14.00да - Стоматология
4. 1993 йил 5 ноябрь, соат 14.00да - Офтальмология

Семинар-кўргазма 1993 йил 2-5 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий поликлиникасида (Тошкент, К. Децкин кўчаси, 10) 10.00дан 18.00 гача бўлиб ўтади.

"ТОШТРАНСБУТЛАШ"

Ишлаб чиқариш-технологик бутлаш бошқармаси куйидагиларни сотиб олади:

- 300x508P, 280x508P, 240x508P, 185x15 автошиналар;

- аккумуляторлар, антифриз, тормоз суюқлиги, автобусларнинг эҳтиёт қисмлари, электродлар, дераза ойналари, пўлат трубалар, ёғоч маҳсулотлари, металл прокатлари.

- 40x40, 45x45 бурчаклари, газ плиталарини сотади.

Бартер бўйича айирбошлан ҳам мумкин.

Телефонларимиз: (3712) 33-51-66, 33-70-57, 32-86-87, 32-80-07.

Телефакс: (3712) 41-42-29.

6-СТ-190



DAEWOO

"ЎЗДЭУ электроникс" қўшма корхонаси маиший электроника техникаси соҳасидаги машҳур "DAEWOO" фирмасининг маҳсулотларини ҳавола қилади. Юқори сифатли ва замонавий дизайнга эга бўлган молларни СЎТТИБ ОЛИНГ!

- Рангли телевизорлар
Видеоманитофонлар
Видеодвойкалар (моноблок)
Видео ва аудиоплеерлар
Музлатгичлар
Кир ювиш машиналарни
Чанг ютигичлар
Микротўлқинли печлар



Дазмоллар
Автомагнитолалар

Халқаро эркин муомаладаги валютада Сиз исталганда, нақд ёки ўтказиш кўри билан тўланади.

Ўзбекистон харидорларига имтиёзлар бор.

"ЎЗДЭУ электроникс" қўшма корхонаси ўз маҳсулотларининг кафолатли таъминини амалга оширади.

Куйидаги манзилга мурожаат қилинг:

700190, Тошкент шаҳри, Қорақамиш кўчаси, 2. Телефон 21-52-06.

Сизнинг хизматингизда:

- МУМ - телефон: 33-42-60
"Сельхозмаш" магазини - телефон 33-82-73
"Чинор" магазини - телефон 33-33-77

RANK XEROX

RANK XEROX

ксерография соҳасидаги энг машҳур фирмаси Марказий Осиё худудидаги манфаатдор ташкилотлар ва тадбиркорлар билан амалий алоқаларни мустақамламоқда. Ўзбекистон Республикаси вилоятларида нусха олиш ускуналарига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, фирма дилерлик тармоқларини кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга киришди.

Агар Сиз тадбиркор бўлсангиз, энг замонавий нусха олиш жиҳозлари билан ишлаш Сизга завқ бағишласа ҳамда Сизда эркин муомаладаги валютада бошланғич маблағ мавжуд бўлса Сиз RANK XEROX фирмасининг мухтор Дилери бўлишингиз мумкин.

ДИЛЕР

RANK XEROX

- ўз омборларидан ускуналарни эркин муомаладаги валютага ёки рублга сотади;
- маркетинг ва реклама билан шуғулланади;
- намоиш хоналарини ташкил этади;
- ускуналарига техник хизмат кўрсатишни таъминлайди;
- ўзинг худудий Ваколатхонаси орқали Дилерларга кўмаклашади;
- Дилер шахсларини ўқитади;
- реклама кампанияларини ўтказишда Дилерларга ёрдам беради;
- намоиш хоналари ва омбор биналарини ташкил этишда кўмаклашади.

ЮҚОРИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРГАН ҲАММА ДИЛЕРЛАРГА RANK XEROX КУЙИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА БЕПУЛ ЎҚИШЛАРНИ ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

- * МЕНЕЖМЕНТ
* МАРКЕТИНГ
* САВДО НАЗАРИЯСИ
* СЕРВИС

Сизнинг таклифларингизни Тошкентдаги куйидаги телефонлар орқали қабул қиламиз:

Фирманинг Ваколатхонаси - (3712) 394719, 327886, 394866, факс - (3712) 394540, 327886
ЎзбекКсерокс қўшма корхонаси - (3712) 335425

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси республика Бош прокурори Бўри-тош Мустафоевга падари бузрукворни
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоевга падари бузрукворлари
Тошкент давлат университети раҳбарияти ва география факультети жамоаси доцент С. Ориповга падари бузрукворни
«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт ходимлари Ш. Аъзамов ва П. Аъзамоваларга оналари
Махмудхон ая АЪЗАМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдирлик билдиради.

Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирғаб БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миралма МИРАЛИМОВ, Саломатдин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев Пан (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Алек сандр ТЮРИНОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯХЕЕВ, Пиримкул ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВЕВ, Саидхорр ҒУПОМОВ

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир Ж. Сафиев, навбатчи О. Раҳимов.